

Таникли шоир Хусниддин Шарипов 1933 йили Наманганда тугилди. У ўрта маълумотга эга бўлгач, Тошкент кишлок хўжалиги институтининг ўрмончилик факултетида (1949—1954) тахсил олди. Сўнгра у ўрмон хўжалиги идорасида инженер (1954—1956), «Наманган хакикати» рўзномасида масъул котиб (1956—1960), «Ўзбекистон маданияти»да адабий ходим, (1960—1962) «Шарқ юлдузи» ойномаси (1962—1969) мухарририятида бўлим мудири лавозимларида хизмат килди.

Хусниддин Шариповнинг биринчи шеърий китоби «Нихол» 1956 йили нашр этилди. Шоирнинг «Кўнгил буюргани» (1961), «Куёшга ошикман» (1962), «Ернинг калби» (1962), «Тупрокка касида» (1965), «Мен сизга айтсан» (1968), «Чавандоз», (1974), «Хирмон» (1985), «Яна висол» (1987) шеърий китоблари, «Бир савол» (1973) шеърий романи китобхонлар меҳрини козонди.

Шоир кейинги йилларда «Сотволдидан салом» «Тановар», «Биринчи довон», «Адолат замини» каби катор асарларини ўкувчилар хукмига хавола этди.

Хусниддин Шарипов «Сени севаман» (1958), «Ота ўгли» (1965), «Афсона» (1974) песаларининг хам муаллифиdir.

Шоир ўз асарларида даврининг энг мухим масалаларини, халкимизнинг фидокорона меҳнатини, халк ва Ватан баҳт-саодатини куйлаб келмокда. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган.